## Иккинчи чақириқ Олий Мажлис XI сессияси очилишига 13 кун қолди



*Қайд этиш лозимки, ўтган йиллар ичида мамлакатимиз банк тизими анча ривож топди, банкларимизнинг мижозларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатаётганликлари қувончли ҳол.*

*Бунга, албатта, осонлик билан эришилмади. Сир эмаски, собиқ шўролар тузумининг интиҳосида юз берган иқтисодий таназзул оқибатида аҳолининг банк тизимига бўлган ишончига путур етди. Ана шундай бир шароитда, ишончни қайта тиклаш лозим эди.*

# Омонатлар дахлсизлиги кафолати

Чунончи, ижтимоий адолатни қарор топтириш, аҳолининг банк омонатларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда фуқаролар ҳамда фуқаролар жамғармаларини ҳамоялашни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида» 1995 йил 20 декабрдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага доир 1996 йил 12 февралдаги қарорига мувофиқ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, аҳолининг банклардаги омонатларини бюджет маблағлари ҳисобига индексация қилиш механизми амалга жорий этилди.

Бугунги кунда шу асосда аҳолининг банк омонатларидаги маблағларини индексация қилиш амалга оширилмоқда. Ушбу масалалар учун ҳозиргача қарийб 45 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу эса ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, энг аввало, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, 2002 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши фуқаролар омонатларини ҳимоялаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида банклар кўпайиши билан бирга рақобатга дош бера олмаган айрим банкларнинг синиши ҳам табиий ҳол. Эндиликда, ана шундай ҳолатга тушиб қолган банкларнинг омонатчилари ҳам ҳимояланадиган бўлди. Бунинг учун ушбу қонунга кўра фуқароларнинг тижорат банкларидаги омонатларини кафолатлаш бўйича махсус фонд тузилди. Тижорат банкларининг мажбурий бадалларидан ташкил топган мазкур фонд тижорат банкидан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олинган тақдирда, банк омонатчиларининг жамғармалари бўйича ҳақ тўланишини кафолатлайди.

Буларнинг натижаси ўлароқ, банкларда аҳоли жамғармалари ва омонатлари ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги кунда аҳолининг тижорат банкларига қўйган омонатлари ҳажми 2001 йилнинг бошига қараганда, яъни охирги икки йил давомида 4 баробарга ошди. Бу аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи янада ошганлигига яққол мисолдир.

Бундай натижага эришишда омонатларни муҳофазалашга оид тегишли қонунчилик базаси яратилганлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида банкка қўйилган омонатларнинг сир тутилиши қонун билан кафолатланиши белгиланган. Бундан ташқари, тегишли қонун ҳужжатларида, жумладан, Фуқаролик кодекси ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда банк сирини сақлаш кафолатларига оид нормалар кўзда тутилган. Лекин шундай бўлса-да, республикамизнинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида банк сири институтини янада такомиллаштиришга эҳтиёж туғилди.

Зеро, амалдаги қонунчиликда банклар томонидан банк сирига оид маълумотларни сақлаш, тақдим этиш ва муҳофаза қилишнинг аниқ механизми белгиланмаганлиги мижозлар манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилишга имкон бермаяпти ва бу ўз навбатида аҳоли жамғармаларини банкларга янада кенгроқ жалб қилишга ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 2 июндаги Фармони ҳамда Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг 2002 йилга мўлжалланган режаси тўғрисида» 2002 йил 6 февралдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири этиб белгиланди.

Шу мақсадда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида «Банк сири тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

Ишчи гуруҳ ушбу қонун лойиҳасини вазирликлар, идоралар, шунингдек, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар мутахассислари томонидан билдирилган, иқтисодиётни эркинлаштириш нуқтаи-назаридан энг мақбул бўлган таклифларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқди. Унда фуқаролар манфаатлари, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган. Шу ўринда қайд этиш лозимки, лойиҳани ишлаб чиқишда хорижий давлатларда, жумладан, АҚШнинг 30 дан ортиқ штатлари, Швейцария, Германия, Австрия ва бошқа ривожланган давлатларда банк сири институтининг амал қилиш тажрибаси чуқур ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда жаҳон банкининг Ўзбекистон Республикаси молия соҳасини институционал ривожлантириш лойиҳаси доирасида республикамизда иш олиб бораётган хорижий маслаҳатчиларнинг тавсиялари ҳам инобатга олинган.

Шу ўринда «Банк сири тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг айрим жиҳатларини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, қонун лойиҳасида банк сирини ташкил этувчи маълумотларга таъриф берилиб, уларга қандай маълумотлар кириши аниқ белгиланган. Жумладан, банк сирига нафақат мижознинг операциялари, ҳисоб варақлари ва омонатларига доир маълумотлар, унга хизмат кўрсатиш муносабати билан олинган маълумотлар, банкда сақланаётган мол- мулки тўғрисидаги маълумотлар, мижоз топшириғига биноан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, амалга оширилган операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилган.

Шу билан бирга мутлақ янги норма ҳам таклиф этилмоқдаки, унга мувофиқ эндиликда банкка маълум бўлиб қолган бошқа банк мижози тўғрисидаги маълумотлар ҳам банк сири деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида банк сирига оид маълумотларни тақдим этиш ва уларни сақлашнинг қатъий тартиби, банк сирига оид муносабатлар қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда банк сири қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик юзага келиши кўрсатиб ўтилган.

Лойиҳада банк сирига оид маълумотларни олиши мумкин бўлган шахслар ва давлат органларининг муайян доираси ҳамда бундай маълумотларни олиш учун зарур асослар белгилаб берилган.

Хусусан, лойиҳага кўра эндиликда банклар томонидан банк сирига оид маълумотлар қуйидаги ҳоллардагина бошқа идораларга берилиши мумкин;

— прокуратура, терговва суриштирув органларига фақат терговчи ёки суриштирувчининг асослантирилган қарорига кўра қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда прокурор санкцияси билан маълумот берилиши мумкин;

— судга эса бундай маълумотлар тегишли ёзма сўровга кўра, фақат суднинг юритувида бўлган ишлар бўйича ёки ундирувни мижознинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суднинг кучга кирган қарори бўлганда ёки мол-мулки хатланган тақдирда тақдим этилиши мумкин,

— солиқ органларига солиққа тортиш билан боғлиқ ҳолларда, қонун ҳужжатларига мувофиқ берилиши кўзда тутилган.

Яна бир янги қоида сифатида шу нарса киритилмоқдаки, мижоз тўғрисидаги маълумотлар юзасидан банкка сўров берилган тақдирда, банк бу ҳақда мижозни уч кун мобайнида хабардор қилиши лозим. Мазкур норма мижознинг манфаатлари ҳимояланишини янада кучайтиради. Мижознинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада оширади.

Қонун лойиҳаси банк сирига оид маълумотларни беришнинг аниқ тартибини белгилаш билан бирга, хўжалик субъектлари фаолиятига назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашувнинг олдини олишга ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мазкур қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган қоидаларнинг қабул қилиниши аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириб, жамғармаларнинг банк омонатларига кенгроқ жалб қилинишини таъминлайди. Банкдан ташқари пул айланмаларининг камайиши ва ички инвестицияларнинг ошишига хизмат қилади. Шунингдек, чет эл инвесторлари ишончини янада ошириб, чет элдан келаётган инвестициялар ҳажмининг ортишига, хўжалик субъектлари фаолиятига назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланишини кучайтиришга ва ниҳоят, аҳолининг кенг қатламларига банк ва молиявий хизматлар кўрсатиш доирасининг кенгайишига хизмат қилади.

**Шуҳрат ҲАЙДАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Юридик департаменти директори.**



*Бугунги кунда Косонсой туманида 15 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдирибгина қолмай, балки хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинаяпти. Бу борада «Атлас-мен» қўшма корхонаси экспорт салоҳияти жиҳатидан Наманган вилоятида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Авваллари корхонада жун калава ва кўрпа ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда тайёр кийим-кечаклар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар хорижга ҳам жўнатилмоқда.*

***СУРАТДА:** корхонанинг илғор тўқувчиси Моҳира Ҳамидова иш устида.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Обод маҳалла – бизнинг маҳалла

# ҲАЁТ АКАДЕМИЯСИ

Дунё миқёсида бир неча академиялар борлигини яхши биламиз. Аммо, ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраган яна бир академия борки, унинг «лаборатория»ларида гўдакдан тортиб, нуроний отахонгача таълим олади. Жамики академияларга сира-сира ўхшамайдиган, бироқ нуфузи жиҳатидан улардан юқори турадиган бу беқиёс жамоатчилик марказларини фақатгина Ўзбекистонда кўриш мумкин. Жаҳон социолог олимларининг маҳаллани тадқиқ қилаётгани, ўрганаётгани эса бу ҳаёт академиясига дунёда қизиқиш ортиб бораётганидан далолатдир. Масалан, кўпгина маҳаллаларимизда учрайдиган «Гап» йиғинларини олайлик. Бу тадбир қачон ва қандай пайдо бўлган? Ундан кўзда тутилган мақсад нима? У маҳалланинг ижтимоий ҳаётида қандай ўрин тутади? Шу маънода француз олимининг «Гап» йиғинларини илмий тадқиқ этиб, диссертация ҳимоя қилиши эътиборга молик. Энг аввало, «маҳалла» сўзини «Гап» сингари ҳар томонлама ўрганиш ва тарихий тамойилларга таянган ҳолда унга ҳам кенг маъноли илмий таъриф бериш тақозо этилади.

Ўз-ўзидан маълум бўлмоқдаки, маҳаллани умумий ўрганиш билан чегараланиб бўлмайди. Унинг ҳар бир йўналишини, ҳар бир қиррасини алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш, илмий хулосалар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарур. Таъкидлаш жоизки, ёшларда энг яхши хислат ва фазилатлар айнан маҳаллада дунёга келади. Шунингдек, халқимиз неча минг йиллардан буён эъзозлаб, келаётган миллий қадриятлар, анъаналару урф-одатларимиз ҳам, аввало, маҳалла «мева»си. Азал-азалдан одамлари меҳр-оқибатли, андишали-ю, мулоҳазали бўлган маҳаллага ҳамма ҳавас қилган. Теварак-атрофдагилар худди шундай маҳаллалар аҳли билан бордикелди қилишга, қуда-анда бўлишга интилганлар. Аксинча, жанжалкаш, безори, ўғри одамлар яшаган маҳаллаларга ҳеч ким яқин бормаган. Бироқ, ижтимоий тузум ва шарт-шароитнинг ўзгариши билан ёмонлар ҳам яхшилар қаторига қўшилиб, турмуш тарзларини янгилашга интилганлар. Бир жойдан иккинчисига кўчиб келган одам ўша маҳалланинг қонун-қоидаларига тўла итоат этган. Шу мисолдан ҳам маҳалла йиллар синовидан ўтган кучли тарбия воситаларига эга маскан эканлигини билиш қийин эмас.

Баъзи маҳаллалардаги тўй-ҳашам, маърака-ю, маросимларга бориб қолгудек бўлсангиз, ҳамманинг бир-бирини яхши билишини, қўлини кўксига қўйиб салом беришини, ёрдамини дариғ тутмаслигини, кексалар бошчилигида ёшларнинг елиб-югуриб хизмат қилишини кўриб, қувонасан киши. Ҳушёр одамлари кўп бўлган бундай маҳаллаларга бегона йўламайди ҳам. Афсуски, кўп қаватли уйлардан иборат айрим маҳаллаларда бу ҳолнинг аксини кўрамиз. Қуриб қолган дарахтлар, ўпқонли йўлаклар, харобага айланган сайилгоҳлару уюм-уюм ахлатлар дилингизни хуфтон қилади. Баъзан болакайларнинг мактаб атрофида чекиб ўтирганликлар-ю, йўл чеккаларида маст-аластнинг чўзилиб ётгани қаҳр-ғазабингизни қўзғайди. Бундай маҳаллаларда қўшни қўшни билан саломлашмаслиги, бир йўлакдан олиб чиқилган ахлатни иккинчи йўлак эшиги олдида ағдариб кетиш ҳоллари кузатилади.

Демак, кўп қаватли уйлардан ташкил топган айрим маҳаллаларни ҳовлилардан иборат маҳаллалардан фарқли равишда чуқур ўрганиш, бошқарувнинг фойдали йўлларини қўллаш орқали одамларни бирлаштириш, улар ўртасида бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш ва қадрлаш сингари хислатларни мустаҳкамлаш механизмларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир.

Яна бир мулоҳаза. Биз маҳаллани нодавлат ташкилот деймиз. Аслида ҳам шундай. Аммо, баъзи маҳаллий ҳокимликлар маҳалла раислари давлат бюджетидан маош олаётганликларини ҳисобга олибми, уларни ҳамон ўз тизимларидан чиқаргилари келмаётгандек туюлади. Юртбошимизнинг ташаббус ва ғамхўрликлари билан маҳалла раисларига давлат томонидан маош белгилаб қўйилишини уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш деб тушунмоқ тўғри бўлар эди.

Бугун мамлакатимизнинг жуда кўплаб газета ва журналларида, республика телевидениеси ва радиосида маҳалла фаолиятига бағишланган қатор долзарб мақолалар эълон қилиниб, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар бериб борилмоқда. Оқсоқоллар орасида булардан хабардор бўлиб, фаоллар иштирокида уларни таҳлил қилиб, ўз шахсий хулосаларини чиқарган маҳалла раислари бормикан? «Халқ сўзи» газетасининг 2002 йил 15 ноябрь сонида эълон қилинган «Маҳаллага тандир керак» сарлавҳали мақолада маҳалла аҳлини бирлаштирадиган омиллар ҳақида фикр юритилган бўлса, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йил 17 январь сонида босилган «Маҳалла оқсоқоли қандай бўлиши керак?» деб номланган мақолада маҳалладаги ободончилик ва маънавий муҳит куюниб танқид қилинган эди. Ҳар икки мақолани ўқиган киши гап Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги Шароф Рашидов номли маҳалла ҳақида бораётганлигини дарров англайди. Аммо марказий матбуотда кўтарилган ўз муаммоларидан туман ҳокимлиги ҳам, маҳалла раиси ҳам ҳозирга қадар хабарсиз. Акс ҳолда уларни ҳал этиш билан боғлиқ юмушларни бошлаган бўларди.

Ушбу йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилингани ва ҳукуматимизнинг қарори билан Давлат дастури қабул қилинганлиги бежиз эмаслигини ҳар биримиз юрак-юракдан ҳис этиб турибмиз. Бу эса бизни қўлни-қўлга бериб, Давлат дастуридаги эзгу ишларни бажаришда муносиб ҳисса қўшиш билан ҳаёт академияси деб аталмиш маҳалла номини улуғлаш ва нуфузини оширишда фаол бўлишга даъват этиб турибди.

**Нуриддин ОЧИЛОВ.**



Яхшидир аччиқ ҳақиқат

*Инсон — табиат фарзанди. Шу боис ҳам уни эъзозлаб, Она табиат деймиз. Аммо фарзандлик бурчимизни оқлаяпмизми? Гоҳида кўзни қувонтириб, яшнаб турган дарахт танасига болта ураётганларни кўрамиз-у, бепарво кетаверамиз.*

*Табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиш, унга зуғум ўтказишга уриниш ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Бунга кўҳна тарих гувоҳ. Европа давлатларидан бирида ер ўзлаштириш мақсадида шовуллаб турган ўрмонзор йўқотилгач, унинг ўрнида яйдоқ чўл пайдо бўлганидан кўпчилик хабардор.*

*Собиқ шўролар даврида наботот оламига қилинган аёвсиз ҳужум натижасида ўрмонзорларимиз, дарахтзорларимизнинг шафқатсизларча йўқотиб юборилганлиги кечагидек кўз ўнгимизда. Ана шундай аянчли ҳолат бизга мерос бўлиб қолгани ҳам ачинарли, албатта.*

# «УЧТУТ» ЎРМОНЛАРИ НЕГА ЙЎҚОЛМОҚДА?

## ёки ўз ҳудудидаги аҳволдан бехабар «қаттиққўл» бошлиқ ҳақида ҳикоя

Бунга Навбаҳор туманидаги «Учтут» ўрмон хўжалигидаги аҳволни кўздан кечириб, ишонч ҳосил қилдик. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси туман бўлими бошлиғи Суннат Тешаев ва туман бош меъмори Ғулом Пирназаровлар билан Зарафшон дарёси ўнг соҳилида ястаниб ётган табиий ўрмонзорни кузатар эканмиз, қалблар ларзага келди. Яқиндагина чопиб кетилган дарахт қолдиқлари биздан нажот кутаётгандек гўё. Пишқириб оқаётган дарё ўз соҳилларини ўзгартириб бораётганлигини кузатиш кишида нохуш ҳис уйғотади.

— Мана шу ердаги дарахтлар кесиб кетилмаганида мустаҳкам илдизлари дарё қирғоқларининг емирилишига йўл қўймасди, — деди афсус билан бош чайқаб Ғ.Пирназаров. — Аслида-ку дарё соҳилларидаги табиий ўрмонзорлар бармоқ билан санарли. Ўзимиз ўрмонлар барпо этаяпмиз, мавжудлари йўқолиб бораётганини кўргач, юрагинг қисилаверади-да.

— Лоқайдлик, дарахтларнинг ҳеч бир сабабсиз кесиб олинаётганлиги ҳақида кўп бор огоҳлантирганмиз, — деди С.Тешаев хавотир оҳангида.

80 ёшни қоралаган Бобоқул бобо Худойбердиев афсус надомат билан дейди:

— Соҳилдаги ўрмонзор жуда қадимий, соҳибқирон Амур Темур бобомиз даврларида анча катта ҳудудларни эгаллаганлиги ҳақида эшитганман. Қиш пайтларида ўтин учун дарахтларни кесиб кетиш авж олди. Ҳеч ким уларнинг мушугини пишт деяётгани йўқ. Олди олинса, кўп савобли иш бўлар эди.

Хайрулла Отақулов, Раҳмонқул Пирназаров каби табиат жонкуярларидан ҳам шу каби фикрларни эшитдик. Масалага ойдинлик киритиш учун вилоят ирригация ўрмон хўжалигига қўнғироқ қиламиз, агроном Мажид Исомов журналистларга маълумот бериш учун фақат бошлиқнинг рухсати кераклигини билдиришдан нарига ўтмади. Ҳатто «Учтут» табиий ўрмонзорлари қанча ҳудудни эгаллаганлиги ҳақидаги маълумотни айтишдан ҳам бош тортди. Эртаси куни бош ҳисобчи Санжар Ализовдан ҳам шундай жавоб олдик:

— Ҳозир бошлиқ йўқлар. Менинг рухсатимсиз бирор маълумот тақдим этилмасин, деган буйруқ берилган. Ҳеч нарса айтолмайман.

Ниҳоят «қаттиққўл» бошлиқ Ҳамид Жўраев билан учрашдик. Қарангки, ўрмон хўжалигидаги аҳволдан бехабар экан. Барча фикрларни рад этди.

— Бўлиши мумкин эмас, — деди у қатъий оҳангда. — Ахир бизнинг вазифамиз дарё соҳилларида ўрмонзорлар барпо этиш, шу йўл билан қирғоқларнинг ювилиб кетиши ва дарё ўзанининг ўзгариши олдини олишдан иборат-ку. Дарахтлар у ёқда турсин, ҳатто буталарни ҳам чопиш мумкин эмас. Жуда ваҳимачи экансизлар-да...

Начора, Ҳамид ака билан йўлга тушдик. Бошлиқ бажараётган ишлари, салмоқли режалари ҳақида тўлқинланиб сўзлай борди.

Ўрмонга яқинлашганимизда ўтин орқалаб келаётган кишига дуч келдик. Ҳамид аканинг авзойи ўзгарди. Ўзини Қулмон Хўжаев деб таништирган йигит юлғунлардан чопиб, ўтин учун олиб кетаётганини айтди.

— Юлғунларни чопиш мумкинми? — сўраймиз Ҳ.Жўраевдан.

— Асло, ахир юлғун республикамизнинг «Қизил китоб»ига киритилган.

— Сенга бу дарахтларни чопишга ким рухсат берди, — ўдағайлади бошлиқ Қулмонга юзланиб.

— Ҳеч ким. Ахир ҳамма чопиб кетяпти-ку. Ҳатто Умид Эгамназаров чопиб сотяпти ҳам...

Масала ойдинлашди. Аммо Ҳ.Жўраев вазиятни «андава»лашга тушди. «Майда дарахт ва буталар чопилаётган бўлса-да, катта дарахтларга ҳеч ким қўл тегизолмайди».

Ўрмон хўжалиги бўлим бошлиғи Мардон Қувондиқовни ҳам ҳамроҳликка чақириб, олдинга юрамиз. Кираверишдан тортиб, барча ҳудудларда чопиб ташланган кўп йиллик дарахтларнинг тўнкалари манаман деб турибди. Аянчли ҳол. Ҳ.Жўраев қаттиқ мулзам бўлди. «Камчилик»ларни тугатишга ваъда берди.

Вилоят ҳудудидан салкам 100 километр масофада оқиб ўтувчи дарё соҳилларининг 50 метри муҳофаза зонаси ҳисобланади. Бу 1131 гектар дегани. Ана шу майдонларда дарахтзорларни барпо этиш, дарё ўзанининг ўзгаришига йўл қўймаслик кимнинг иши? Бошлиқнинг ўзи жойлардаги аҳволдан бехабар бўлса?!

Қизиғи шундаки, 72 гектар табиий ўрмонзорнинг 20 гектари ўзлаштирилиб, ғалла экилган. Фақат шугина эмас. Дарё соҳили бўйлаб имкон бор жойларга экин экиш учун шартномалар имзолаган Йўлдош Назаров, Қўлдош Норқулов, Бобоқул Назаров, Абдулла Холиқов, Музаффар Ҳолиқовлар «бўш» ерларга буғдой экишга шайланиб туришибди. Моддий манфаатдорлик асосида амалга оширилган ишлардан кўз юммоқчи эмасмиз! Аммо масаланинг иккинчи жиҳати-чи? Дарё соҳилларини ўзлаштираверишасосий мақсаддан четга чиқиш эмасми? Унда ушбу ташкилот қандай вазифани бажаради?

Боз устига ўрмон хўжалиги ҳудудида кейинги йилларда бирорта ҳам ниҳол экилмаганлигига нима дейсиз?

Шу ўринда бўлим бошлиғи М.Қувондиқовнинг гапи янада ошиб тушди. Унинг айтишича, бундан уч йил аввал 40 минг туп ниҳол экилган. Аммо собиқ бўлим бошлиғи Юсуф Шоевнинг айби билан йўқ қилиб юборилган. Баҳор келиши билан бу ишлар яна давом эттирилади, деган фикрга ишониш қийин.

Хўш, дарахтлар чопиб кетилаётган экан, шундоқ ўрмон четида яшовчи тўрт нафар назоратчи қаёққа қараяпти? Наҳотки, аянчли аҳволдан бехабар бўлишса? Бирор марта ҳам далолатнома тузилиб, чора кўрилмаганлиги ғалати туюлаверади-да.

Сўзимиз аввалида табиатни Онага менгзаган эдик. Онага, табиатга қўл кўтариш гуноҳи азим эмасми? Вилоят ўрмон хўжалиги, қолаверса, «Учтут» ўрмон хўжалигидаги мутасаддилар ўз ишларига масъулият билан ёндошмасалар, бу ишга кенг жамоатчилик жалб этилмаса, шундай хушманзара жой йўқолиб кетиши, дарё ўзанлари ўзгараверишиҳеч гап эмас.

**Шамсиддин КАЛОНОВ,**
**«Маънавият ва маърифат» маркази Навбаҳор тумани бўлими раҳбари.**
**А.ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Иқтисодиёт қирралари

# Балиқчида фабрика очилади

Эсимни танибманки, «Туманимизда ишлаб чиқаришнинг йўқлиги боис аҳоли турмуш даражаси анча паст» деган гапни эшитаман. Ўн икки йил бурун очилган, ҳозирда «Нотўқима матолар ишлаб чиқариш акционерлик жамияти» номи билан фаолият кўрсатаётган корхона ҳам бундан тўрт йил муқаддам санацияга тушди. Натижада режалар бажарилмай, 300 дан ортиқ ишчи-хизматчи иш ҳақини ололмай қолди. Шунда бу соҳанинг билимдони ва тадбиркори, Чинободдаги «Ўзбекистон-Америка интернейшл» корхонаси бош директори Ҳайитбой Абдулҳакимов жамоага ёрдам қўлини чўзди: шогирди Одилжон Толиповни унинг раҳбарлигига тавсия этди.

Мана, икки йилдирки, жамиятда ишлар маромида боряпти. Миллий банкдан олинган кредит ҳисобига раҳбарият корхонани росмана тўқимачилик фабрикасига айлантирмоқчи.

— Германиянинг «Трушлер» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ, шу мамлакатдан замонавий дастгоҳларни олиб келишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди жамият бошқаруви раиси ўринбосари Муродилло Маҳкамов. — Улар ишга туширилгач, бу ерда тайёр ип ишлаб чиқарилади. Бунинг учун йилига 5 минг тонна пахта хомашёси қайта ишланади. Келажакда эса тикув ва гул босиш цехлари ҳам барпо этилади. Шу мақсадда яна 300-400 нафар хотин-қиз ишга жалб қилиниб, жами ишчи-хизматчиларнинг сони 700-800 нафарга етказилади.

Эътиборли жиҳати шуки, янги дастгоҳларни ўрнатиш жараёнлари ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда бажарилаяпти. Қурилиш ишлари ҳам жамоанинг кучи билан амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг 12 йиллиги арафасида ишга тушириладиган тўқимачилик фабрикасидан эса чинободликларнинг умиди катта.

**Шукур ҚУРБОНОВ.**

# САМАРҚАНД ГУЛЛАР ДИЁРИГА АЙЛАНАДИ

Кўҳна Самарқанднинг қоқ марказида катта боғ бор. Бир боғки, буюк Амир Темурнинг Боғишамол, Боғимайдон, Боғизоғон, Боғи Темур, Боғидилкушо боғлари каби файзли, шукуҳли. Шаҳарнинг шарафли ўтмишию бугунги саодатли кунлари гўё шу оромгоҳда мужассам этилгандек.

Кечагина узоқ қишлоқлар қирларида бойчечак бўлиб бўй кўрсатган баҳор бугун ушбу сўлим боғда ҳам кеза бошлади. Дарахтлар куртак ёзиб, гулга кирди. Бутун қиш мобайнида жажжи болаларни соғиниб қолган аттракционлар, ўйин қурилмалари жонланиб кетди. Қурилиши жиҳатидан бетакрор бўлган "Мароқанд" концерт мажмуасига санъат мухлислари интила бошлади.

Бу боғнинг баҳори бошқа жойларга нисбатан ўзгача кечади. Аслида шаҳарнинг баҳорий уйғониши ҳам шу боғдан бошланади. Бу ердаги орасталик, ободончиликка ҳавас қилади, киши. Бу йил ҳам шундай бўлди. Кўкламнинг ҳали илк кунлари бошланмасданоқ шаҳарликлар ана шу севимли боғлари каби янги оромгоҳлар, гулзорлар яратишга киришишди. Улар ободончилик борасида бир-биридан улуғ ташаббуслар бошлашди. Нафақат шаҳарнинг, балки вилоятнинг барча гўшаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари оммавий тус олди.

Сиёб туман фаолларининг ҳар бир киши 10 тадан дарахт ва гул кўчати ўтказиш тўғрисидаги ташаббусига бутун вилоят аҳли қўшилди. Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган вилоят ҳокимлиги уни оммавийлаштириш ҳақида махсус қарор қабул қилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши "Ҳар бир туманда — ёшлар боғи" ва "Болалар спорти — ёшлар кафолатида" шиорлари остида ташаббуслар билан чиқди.

— Маҳаллаларда ободончиликка эришиш, болалар спортини ривожлантиришда ушбу ташаббусларнинг аҳамияти беқиёс, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, мазкур ташаббусларни ҳаётга жорий этиш бўйича ташкилий қўмита раиси Йўлдош Суюнов. — Шу боис ҳам бу ҳақда вилоят ҳокими махсус қарор қабул қилди. Айни пайтда ҳар бир шаҳар ва туманда янгидан "Ёшлар боғи" ташкил этиш ва спорт иншоотлари қуриш борасида фаол ишлар олиб борилаяпти. Қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан тузилган ташкилий қўмита жойлардаги қурилиш, таъмирлаш ва спорт мусобақаларини уюштириш билан боғлиқ барча масалаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаб турипти.

— Яна бир эътиборли ташаббус бор, — давом этади ҳоким ўринбосари. — Бу "Обод маҳалла йили" муносабати билан шаҳримизни янада ораста ва файзли масканга айлантириш мақсадида "Самарқандни гуллар диёрига айлантирамиз" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусдир.

Ободонлаштириш

Дарвоқе, вилоятнинг ҳар бир маҳалласи, кўчаси, хонадонида гулзорлар барпо этиш, йўллар ва худудларни янада тароватли, кўркам қилиш, аҳоли ўртасида, ҳусусан ёшларда экологик маданиятни шакллантириш, буюк бобокалонларимиз қолдирган маданий меросимизни уларга ўргатиш, табиатга, она заминга, меҳнатга бўлган меҳр-муҳаббатини янада кучайтиришда мазкур кўрик-танловнинг алоҳида ўрни бўлади. Вилоят ҳокимининг ушбу таклифни маъқуллаб, шу йилнинг март-август ойларида "Самарқандни гуллар диёрига айлантирамиз" шиори остида гулзорлар яратиш бўйича кўрик-танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилгани янада аҳамиятли бўлди. Қарорда Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, вилоятдаги гулчилик ва кўчатчиликка ихтисослашган муассасалар кўрик-танлов иштирокчиларини етарли миқдорда гул кўчатлари ва ниҳоллар билан таъминлаши шарт эканлиги белгилаб қўйилди.

Гулзорга айлантирилган ернинг энг кичик майдони 1000 квадрат метрдан кам бўлмаслиги ҳам низомда таъкидланган. Вилоятда мингдан ортиқ мактаб, юзга яқин коллеж ва лицей бор. Саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар, хўжалик ва фирмаларчи? Ана энди барпо этиладиган гулзорларни кўз олдингизга келтираверинг. Демак, Самарқанднинг том маънодаги гуллар диёрига айланишига асло шубҳа қилмаса бўлади.

Кўчатчилик борасида вилоят ўрмон хўжалигида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бошқарма хўжаликларида ўтган йили 4600 килограмм ниҳол уруғи тайёрланганди. Ана шу уруғлар ҳисобидан бу йил 2 миллион 200 дона кўчат етиштирилди.

— 25 турдаги мевали ва манзарали кўчатларимиз бор, — дейди бошқарма бошлиғи Баён Ҳуррамов. – Игна баргли дарахтларнинг ўзидан 5 хил. Яқинда чинорни қаламчасидан кўкартиришни йўлга қўйдик. Кўчатларимизнинг ҳаммаси харидоргир. Вилоятнинг энг узоқ хўжаликлари, қишлоқларидан ҳам мижозлар келиб турибди. Биргина "Самарқанд" ўрмон хўжалигимиз худуди 10291 гектар. У саккизта туманнинг маълум ҳудудини қамраб олган. Демак, ўрмончиларимиз шунча ерда ободончилик ишларини олиб боришаяпти.. Ҳаммасидан ҳам тоғ бағриларида ёнғоқзорлар, чўл қўйнида бодомзорлар ташкил этилаётгани қувончли.

— Шу кунларга етказганига шукр, — дейди яқинда ҳаж амалини адо этиб қайтган каттақўрғонлик онахон Мукаррамма Мирзаева. — Кўп йиллар Раҳима Исломова номли ширкат хўжалигида раислик қилдим. Ҳозир оналарнинг "Бегойим" боғини барпо этаяпмиз. Катта йўл ёқасига 500 туп мевали дарахт экдик.

Бугун Самарқандда қуёш заррин нурларини сочмоқда. Шаҳарнинг қоқ марказидаги сўлим боғда қушиқлар янграйди. Боғнинг ҳар гўшаси ёшлар-у катталар билан гавжум.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қўзилатиш мавсуми



# Юз фоизи — ўстиришга



*Ғузор туманидаги «Ўзнефтьгазишчитаъминот» компаниясининг «Шўртан» ёрдамчи хўжалигида бу йилги қўзилатиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Хусусан, бош чўпон Бобоназар Гулбоев ўз отаридаги 234 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 115 тадан қўзи олишга эришди. Уларнинг юз фоизи эса ўстиришга қолдирилди.*

***СУРАТЛАРДА:** бош чўпон Бобоназар Гулбоев; қўй-қўзилар яйловда.*

**Р.СОДИҚЗОДА олган суратлар.**

Газетада босилмади, аммо...

# МУАЛЛИМА ҲАҚ ЭКАН



**Тўрақўрғон туманидаги 25-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мавлуда Ғофурова таҳририятимизга хат йўллаб, ўзи ишлаётган ўқув даргоҳида рўй бераётган қонунбузарликлар ва ноҳақликлар хусусида сўз юритганди. Шунингдек, ўтган йили педагогика билим юртини битирган қизи Маҳбубага мактаб директори дарс бермаётганидан қаттиқ ранжиганини билдирганди. Биз муаллиманинг шикоятини ўрганиб чиқиш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун Наманган вилояти Халқ таълими бошқармасига юборгандик. Шу муносабат билан яқинда бошқарма бошлиғи Д.ДАДАЖОНОВАдан қуйидаги расмий жавобни олдик:**

*"М. Ғофурованинг айни мазмунда муқаддам туман халқ таълими бўлимига ҳамда вилоят Халқ таълими бошқармасига ёзган аризалари текширилганида, у кўрсатган далиллар асосан тасдиқлаган. Натижаси мактаб жамоаси ўртасида муҳокама қилинган. Йиғилишда, ҳақиқатан ҳам, ўқитувчилардан К. Каримова ва Н.Бобохоновлар гўёки олий ўқув муассасаларида таҳсил кўришаётгани ҳақида келтирган маълумотномалар сохталиги, мусиқа муаллими Б.Қуроновга Андижон санъат билим юртидан берилган диплом қалбаки эканлиги, мактаб раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли ўқитувчи Н. Насриддиновга ишламаган ойи учун ёзилган 23865 сўмлик маблағ хазинага қайтарилгани таъкидлаб ўтилган. Қалбаки ҳужжат билан ишлаётган муаллимлар 2002 йил 2 декабрда вазифаларидан бўшатилганлар. Уларга маъмурий жазо қўлланилган. 2002 йил 31 декабрда прокуратура томонидан берилган тақдимномада мактаб директори Б. Исроиловга нисбатан интизомий жазо кўриш топширилган.*

*Аниқланган хато-камчиликлар барча таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида муҳокама этилиб, туман халқ таълими бўлими бошлиғининг буйруғига кўра, Б. Исроиловга ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима солинган ва интизомий жазо қўлланилган.*

*Ҳуқуқшунос-мутахассис масала қонун доирасида ўрганиб чиқилгани ҳақида хулоса берган.*

*Маҳбуба Ғофурова 2003 йил 10 январдан эътиборан мутахассислиги бўйича иш билан таъминланган".*

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Қочқинлар ваколатхонага келишди



**Германияда яшовчи ўнлаб ироқлик қочқинлар мамлакатдаги Америка дипломатик ваколатхонасига қўлларида Саддам Ҳусайннинг режимини ағдарган коалицияга миннатдорчилик сўзлари ёзилган плакатлар билан келишди, деб хабар беради "ИТАР-ТАСС" агентлиги.**

**Айни пайтда Германияда 2,8 мингдан зиёд ироқлик кун кечирмоқда.**

## Вакил режимдан воз кечди



**Нью-Йоркда Ироқнинг БМТдаги доимий вакили Муҳаммад ад-Дурий уруш тугаганини таъкидлаб, Саддам Ҳусайннинг режими Бағдодни назорат этмаётганини маълум қилди ва Ироқ халқининг тез орада тинч ҳаётга қайтишига умид билдирди.**

**"ИТАР-ТАСС" агентлигининг хабарига кўра, доимий вакил Ироқ раҳбарияти билан алоқа бир неча кун аввал узилганини ҳам қайд этган.**

## ЕИга марҳамат!

**Европа парламенти Страсбургдаги сессиясида ЕИни кенгайтириш бўйича резолюцияни маъқуллади, деб хабар беради "РИА"Новости" мухбири.**

**"Ewronews" телекомпаниясининг қайд этишича, Европа ассамблеяси ЕИга аъзо бўлиш учун 10 та давлатга розилик берди. Шарқий ва Марказий Европа ҳамда Ўрта ер денгизида жойлашган ушбу давлатлар 2004 йилнинг 1 май куни ЕИга расман аъзо бўлишади.**

## Амнистия эълон қилинди



**Британия қўшинлари Басрада ўз ихтиёри билан қурол топширганлар учун амнистия эълон қилди.**

**"ИТАР-ТАСС" мухбирининг маълум қилишича, Британия ҳарбий қўмондонлиги Ироқдаги ушбу иккинчи йирик шаҳарда тезроқ тартиб ўрнатиш мақсадида ироқликларни қурол топширишда фаол қатнашишга чақирди.**

## Кучли зилзила

**Туркияда кучли зилзила юз берди. Маҳаллий аҳоли ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлди, деб хабар беради "Ассошейтед Пресс" агентлиги.**

**Сейсмологларнинг таъкидлашича, зилзила маркази Урпа шаҳри яқинида жойлашган бўлиб, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,6 баллни ташкил этди.**

**Табиий офат оқибатида кўплаб бинолар шикастланди.**

## Ресторанда чекманг

**Норвегияда 2004 йилдан бошлаб мамлакатдаги барча бар ва ресторанларда чекиш ман этилиши тўғрисида қонун қабул қилинди.**

**"Рейтер" агентлигининг маълумотига қараганда, бундай қонунлар АҚШ ва Канаданинг бир неча штати ҳамда Нью-Йорк шаҳрида ҳам қабул қилинган. Аммо Норвегия бутун мамлакат бўйича бар ва ресторанларда чекиш тақиқланган биринчи давлат бўлди.**

## Тоғдай термометр

**Хитойликлар дунёда энг улкан — 139 метрлик термометр яратди. Циншан кўли қирғоғига ўрнатилган ҳарорат ўлчовчи ушбу ноёб қурилма Нанчан шаҳрининг ўзига хос кўркига айланди. Унинг ёқут шуълалари кечаси ҳам кўлга жило бериб, ҳатто узоқ-узоқлардан ҳароратнинг даражасини кўрсатиб туради.**

**Гиннеснинг рекордлар китобига киритишга лойиқ бу мўъжиза хитойликларга 2 миллион юанга (240 минг АҚШ долларига) тушди.**

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»И
ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
⇨ валюта айирбошлаш шохобчаси назоратчиси;
⇨ валюта айирбошлаш шохобчаси кассири.
НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:
⇨ валюта айирбошлаш шохобчаси назоратчиси олий ёки ўрта махсус иқтисодий маълумотли;
⇨ валюта айирбошлаш шохобчаси кассири билим даражаси ўрта маълумотдан кам бўлмаслиги лозим;
⇨ компьютерда ишлай олиш қобилияти.
Таклифлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этинг: Тошкент ш., Муқимий к., 43-уй.
Мўлжал: метронинг «Ҳамза» бекати.
Телефонлар: 173-25-49, 120-88-12.

ТАШКИЛОТ
авто ва қишлоқ хўжалик шиналарининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланади.
• Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган.
• Ҳар хил русумли шиналар.
• Энг арзон нархда Тошкентдаги омборхонадан.
Маҳсулот Тошкент шаҳрида.
Ташкилотларни вилоят дистрибьютерлигига таклиф қиламиз.
Телефон: (998 712) 132-24-71.
Факс: 132-24-72, 79-28-75, 79-28-77. E-mail: urald@rol.ru

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК
"Lok Kolor Sintez" QK
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА
КЕНГ АССОРТИМЕНТДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:
✓ юқори сифатли лак-бўёқ маҳсулотлари (қурилиш ва саноат эҳтиёжлари учун);
✓ тикув маҳсулотлари (иш кийимлари, кўрпа-ёстиқ буюмлари ва бошқалар).
Товар сертификатланган.
ШУНИНГДЕК:
✓ эмульсиявий елим (қурилиш ва саноат эҳтиёжлари учун);
✓ сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган МР-3 русумли электродлар (конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган);
✓ L 80-120 қурилиш михлари.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@onlaine.ru
Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Корхона ўз маҳсулотлари ҳақидаги аниқ маълумотларни сизлар учун қуйидаги газета ва журналларда чоп этади.
БИЗНИНГ РЕКЛАМАМИЗНИ КУЗАТИБ БОРИНГ!
(«Оптовик», «Пресстиж» журналлари, «Халқ сўзи», «БВВ», «Налоговые и таможенные вести» газеталари).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
физик-кимёвий лаборатория хоналарига мўлжалланган мебелларни харид қилишга
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Таклифларни қабул қилиш муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кун.
Таклифлар муҳрланган пакетларда мурожаат хати билан қабул қилинади.
Манзил: Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 120-76-29, 120-76-69.

